



# АЙЁЛМУШТАС МУБОРАК, АЗИС ОПА-СИНГИЛЛАР!



QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN



# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 8-mart, yakshanba • №10(3800)

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар!  
Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Гўзал ва бетакрор ўлкамизга баҳорнинг илоҳий нафаси кириб келаётган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуг сана — 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Бу ажойиб байрам тимсолида биз, авваламбор, баҳор ва аёл тушунчалари нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини, бир-бирини қандай чуқур маъно-мазмун билан тўлдирганини беихтиёр ҳис этамиз. Шу улуг айёмда аёлларимизнинг беқиёс нафосати, хусну малоҳатини ўзимиз учун янгитдан кашф этгандек бўламиз.

Тарихнинг ўзи гувоҳ — аёл шаънига қанчадан-қанча қасидалар, шеърлар дostonлар битилган бўлмасин, токи дунёда одамзод бор экан, токи она меҳри, аёл муҳаббати барқарор экан, бу азалий ва абадий мавзу ҳеч қачон поёнига етмагай. Нега деганда, Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл зоти ҳар қандай юксак ҳурмат ва таҳсинларга муносибдир.

Улуг ватандошимиз Бобур Мирзо, агарки ер юзидаги бар-

ча шоирлар юз йил таъриф этганларида ҳам, аёл латофатининг юздан бирини тараннум этолмайдилар, деганида, ҳеч шубҳасиз, мутлақо ҳақ эди. Ва бундай ҳаққоний эътирофлар, аввало, муқаддас заминимизнинг чирой ва назокатда, вафо ва садоқатда тенгсиз аёлларини назарда тутиб айтилган, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг дилидаги фикрни ифода этган бўламан.

Мана шундай шуқуҳли дамларда биз, авваламбор, барчамизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган мўътабар она сиймосига таъзим қилиб, ўз фарзандлик эҳтиромимизни бажо келтирамиз.

Айни пайтда хонадонларимизга файзу барокат киритадиган, ўзининг нозик елкасида рўзгор ташишларини беминнат кўтариб келаётган умр йўлдошларимизга, ҳаётимизнинг гули бўлган лобар қизларимизга чексиз меҳр ва ҳурматимизни билдирамиз.

Ҳақиқатан ҳам, олдимизда янги-янги муаммо ва синовлар пайдо бўлаётган ҳозирги фоят мураккаб даврда сиз, муҳтарам опа-сингилларимиз ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида — бу давлат ва жамият қурилиши, саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим-тарбия ёки соғлиқни сақлаш, илм-фан,

маданият ва спорт бўладими — буларнинг барчасида биз билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилиб келаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, гўзал ва оқила аёлларимиз ўзларининг ақл-идроқи, меҳрибонлиги, сабр-қаноати билан ҳар бир оила, ҳар қайси маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда аҳиллик, меҳроқибат, самимият ва поклик муҳитини мустақкамлашга, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётганини бугун яна бир бор миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустақкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тadbиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз ўз амалий натижасини бераётгани албатта, барчамизга мамнуният бағишлайди.

Бугун биз халқимизнинг асрий орзуси бўлган, инсон том маънода эркин, озод ва фаровон яшайдиган фуқаролик жамияти асосларини барпо этар

эканмиз, бу эзгу мақсадга эришиш йўлида жонкуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, биз мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг самарали иштирокини кучайтириш, мухтасар айтганда, аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Чунки аёлни улуғлаш — оилани, ҳаётни, Ватанни улуғлаш демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланишини истардим.

Шу борада 2009 йилнинг ўзида амалга ошираётган режаларимиз, хусусан, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” дастуридан ўрин олган амалий вазифалар — опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни, фермерлик ва касаначилиқни кенг ривожлантириш, замонавий уй-жойлар, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, ижтимоий инфраструктуралар фаолиятини тако-

миллаштириш, шуларнинг барчаси ҳисобидан юртимизни янада обод ва фаровон қилиш каби масалалар айнан аёлларимизнинг орзу-интилишлари ва мақсад-мудлоларига фоят ҳамоҳангдир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен юртимизнинг барча ўғлонларини, биринчи навбатда катта-кичик раҳбарларни мунис опа-сингилларимизнинг оғирини энгил қилиш, уларнинг ҳаётдан муносиб ва мустақкам ўрин эгаллашини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишга даъват этмоқчиман.

Азизларим, меҳрибонларим! Сизларни ўзингиз каби гўзал байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сизхат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Толеингиз баланд, умрингиз узок, ризқу насибангиз доимо бутун бўлсин!

Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Хонадонларимизни меҳрибонлик нури билан тўлдириб, ҳаётдан мамнун бўлиб, меҳру муҳаббат ардоғида яшаш барчангизга доимо насиб этсин!

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР!

Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров Алишер Навоий асарларида куйлаган барча аёллар сиймосини ўта ҳассослик ва муҳаббат билан яратгани маълум. Бу гўзалларни кўрган чет эллик санъат, нафосат, малоҳат ихлосмандларининг «Ўзбек аёлларининг ҳаммаси ҳам шундай гўзалми?» деган саволларига «Йигирма фоизи гўзал, саксон фоизи жуда гўзал» деб жавоб берган экан.



Дарҳақиқат, ўзбек аёлларининг гўзаллиги уларнинг ибод-ҳаёси, садоқати вафоси, саранжом-сарипталиги, меҳру муҳаббати ҳеч қандай таърифларга муҳтож эмас.

Аёлларимизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишдаги, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, буюк бунёдкорлик ишларидаги ҳиссаси, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказишдаги ўрнини халқимиз, ватанимиз юксак қадрлайди.

Улар барча соҳаларда фаол меҳнат қилиб, юрт равнақи ва турмуш фаровонлигини яхшилашдек шарафли ва мўътабар ишларга улупини қўшиб келаяпти.

(Давоми 3-бетда).

## НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Хотин-қизларнинг жамиятдаги маънавий мустақкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Зеро, мамлакатимизни модернизация қилишда, ислохотлар ва ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг қиёфаси ўзгариб, чирой очиб бораётганида хотин-қизларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.



Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда.

6 март куни хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар Мустақиллик майдонидаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Шу куни “Туркистон” саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга турли соҳаларда меҳнат қилаётган аёллар, онахонлар, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, жамоатчилик вакиллари тактиф этилди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сарой фойесидида «Кўли гулдир ўзбек аёлини» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмага юртимизнинг барча ҳудудларида самарали фаолият кўрсатаётган рассом ва ҳунарманд аёлларнинг ижод намуналари кўйилган. Санъатнинг барча соҳалари каби бадий ижод ва миллий ҳунармандлик йўналишида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги ижодий парвозлар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар мазкур кўргазмада ҳам ўз ифодасини топган. Бу ерда рассомлик билан бирга миллий ҳунармандликнинг кашпачилик, чеварлик, кулоллик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишларида фаолият олиб бораётган аёлларнинг ижоди билан танишни мумкин.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова Президентимиз раҳнамолигида демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан барпо этишга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартириб юборган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини тобора юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва

манфаатларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилатганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўналишидаги эзгу чора-тадбирлар ҳажми тобора

чилиқни кенг жорий этиш, аёллар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратишни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар амалга оширилатгани диққатга сазовор.

Тadbирда Президентимиз Ислоҳ Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқларини учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ қизларга ана шу юксак мукофотлар тантанали топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид хотин-қизларни байрам билан қутлади. Ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Зулфия номидаги давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей талабаси Кумар Бегниязова, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейи ўқувчиси Зумрад Тазетдинова, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Насиба Шарипова хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## «ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ»

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислоҳ Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини нашрдан чиқарди.

Маълумки, 2008 йилда бошланган, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда унга қарши самарали чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш масаласи дунё миқёсида энг долзарб масалага айланмоқда. Аммо кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирозга баҳо берар экан, унинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда.

Ушбу асарнинг моҳияти ва аҳамияти шундаки, унда юқорида зикр этилган масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий хулосалар илгари сурлади.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар» деб номланган. Унда жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган сабаблар, унинг хозирги пайтда дунё миқёсида қандай кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни туғдираётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган.

Муаллиф жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини юмшатиш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самара-

дорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ эканини таъкидлайди.

Китобнинг иккинчи қисми «Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион


технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир» деб номланган. Унда қатор долзарб масалалар, шу жумладан, иқтисодиётимизнинг жаҳон ҳўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурла-

шиб бораётганини инобатга олганда, жаҳон молиявий инқирози, аввало, унинг оқибатлари Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

Лекин юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришилди, яқин истиқболга белгиланган кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси, аввало, Инқирозга қарши чоралар дастури ва уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Бу дастур жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсири-нинг олдини олиш имконини бериши, айти пайтда инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрни-мизни эгаллаш, шунинг ҳисобидан изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратиши асарда алоҳида қайд этилади.

(ЎЗА)



## НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

ортмоқда. Шаҳар ва туманларда, чекка қишлоқларда барпо этилаётган ва замонавий жиҳозлар билан таъминланаётган соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавият ва маърифат масканлари ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Маҳаллаларда, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, овулларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар оилалар тоғлиги, ҳамжиҳатлиги, мустаҳкамлигини таъминлаш, жамиятимизда бағрикенглик, меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат муҳитини таъминлашда фаол иштирок этаётир.

Аёлларни иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида хотин-қизларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш шароитини янада яхшилаш, касаначиликни ривожлантириш, аёлларни тadbиркорлик ҳаракати-га кенг жалб этишга доир ибратли ишлар ҳажми сезиларли даражада ортиб бораётир. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам касана-

## ТАЙИНЛАНДИЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Зарипбай Ақмуратович БАЙМУРАТОВ.

Зарипбай Ақмуратович Баймуратов 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1997 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ИИБ участка инспектори лавозимидан бошлаган. 1999-2009 йилларда Кегейли тумани Халқобод шаҳар милиция бўлини маси ЖҚГ тезкор вакили, ШМБ бошлиғи, Кегейли тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Халқобод ШМБ бошлиғи, Кегейли тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚҚБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Ислоҳ Имомович ИШМУРОДОВ.

Ислоҳ Имомович Ишмуродов 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий милиция мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1994 йилда Қарши шаҳар ИИБ вақтинча сақлаш ҳибхонаси бошлиғининг ўринбосари лавозимидан бошлаган. 1994-2009 йилларда Қарши шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, ЖҚБ бошлиғи, Қашқадарё вилояти ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, Қарши шаҳар ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, бўлини бошлиғи, шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Яккабоғ тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Эркин Янгибоевич ЖўРАЕВ.

Эркин Янгибоевич Жўраев 1959 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1981 йилда Қашқадарё вилояти ИИБ паспорт бўлими инспектори лавозимидан бошлаган. 1981-2009 йилларда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар-туман ИИБ иқтисодиётдаги жиноятчиликка қарши кураш гуруҳи катта инспектори, Чироқчи тумани ИИБ участка инспектори, ЖҚГ тезкор вакили, ЖҚГ бошлиғи, Кўклага ҚМБ бошлиғи, Чироқчи тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Қамаш тумани ИИБ бошлиғи, Чироқчи тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Шўҳрат Ҳусанович БЎРОНОВ.

Шўҳрат Ҳусанович Бўронов 1977 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2000 йилда Сурхондарё вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими инспектори лавозимидан бошлаган. 2003-2009 йилларда ИИБ ЖҚ ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили. Қизилриқ тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚҚБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.





# АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чунончи, ички ишлар идораларида ҳам эркаклар билан ёнма-ён туриб, юртимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида сидқидилдан хизмат олиб бораётган аёлларимиз талайгина.

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан республика Ички ишлар вазирлигида байрам тантанаси бўлиб ўтди. Тантанана Ўзбекистон Республикаси ИИВ марказий аппарати тизимларида хизмат қилаётган аёллар, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ Хотин-қизлар кенгашлари раислари, шунингдек, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари, ички ишлар идораларида кўп йиллар баракали меҳнат қилиб, ҳозирда

нафақа гаптини суриш билан бирга ёшларга касб сир-асрорларини ўргатиб келаётган фахрийлар таклиф этилди.

Тўкин дастурхон атрофида бир-бирдан дилбар, латофатли, муниса хотин-қизларимиз жамулжам.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовга берилди.

Б.Матлюбов хотин-қизларимизнинг жамият ривожини, Ватанимиз тараққиётидаги ўрнига тўхталар экан, қонунчиликни мустақамлаш, жиноятчиликнинг турли кўринишларига қарши курашишда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб улушлари борлигини таъкидлади. Минглаб хотин-қизларимизнинг эркаклар билан бир сафда туриб, эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлаш каби улкан, масъулиятли вазифаларни бажараётгани, шунингдек, ма-



ҳаллада ибратли бека, оилада намунали келин, она, сеvimли ёр эканлигини эътироф этди.

— Аёлларимиз ўта масъулиятли ҳисобланган эксперт-криминалистика, тергов, жиноят-қидирув, ахборот маркази, молия-иқтисод соҳаларида ҳам фаолият юритишяпти. З. Якубова, М. Воҳидова, Ф. Зокирова кабилар қаторида фахрийлар Х. Гийёсова, Ж. Юнусовалар номини фахр билан тилга олиш мумкин. Аёлларимизнинг кўпчилиги давлат ва раҳбариятимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишган, — деди Ички ишлар вазири.

Б. Матлюбов пировардида ички ишлар идораларида хизмат қилаётган барча хотин-қизлар, меҳнат фахрийлари, хизмат вазифасини ўташ чоғида бевақт ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларини ушбу байрам билан муборакбод этиб, улар-

га саломатлик, узоқ умр, бахтсаодат, оилаларига тинчлик, осойишталик, файзу барака, ишларига ривож тилади.

Республика ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш.Икрамов сидқидилдан хиз-

мат қилаётган бир гуруҳ аёлларни ва фахрийларни тақдирлаш тўғрисидаги Ички ишлар вазирининг буйруғини ўқиб эшгирди. Б.Матлюбов мукофотланганларга махсус унвон, фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Шунингдек, тизимда касбининг ардоқлаб, жамоадошларига ўрнак бўлаётган бир гуруҳ аёлларга ИИВ Бирланган қасаба уюшмалари қўмитаси раиси Ҳ. Жалилова қимматбаҳо эсдалик совғалари топширди.

Тадбирнинг тантанали қисми поёнига етгач, йиғилганлар эътиборига «Ўзбегим ёшлари», Ўзбекистон Республикаси ИИВ Апула ва рақс ансамбли ҳамда ўзбек эстрада юлдузлари, машҳур сўз усталари иштирокидаги концерт дастури ҳавола этилди.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**  
Суратларда: байрам тадбиридан лавҳалар.  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.



## ТАДБИР

### ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Фарғона шаҳрида «Инсон ҳуқуқларининг назарий асослари ва халқаро андазалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ИИБларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлиmlари ходимлари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар кординатори, европалик бир гуруҳ ҳуқуқшунослар ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, анжуманда хорижлик ҳуқуқшунослар юртимизда рўй бераётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этувчи институтлар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг юқори даражада йўлга қўйилгани алоҳида эътироф этилиб, бу боралаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

**Абдусит СИДДИКОВ.**

Фарғона вилояти.

### ТАВСИЯ ВА ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

Яқинда Қашқадарё вилояти ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлиmlасида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий маркази директори Акмал Саидов ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Қашқадарё вилояти минтақавий вакили, сенатор Муродилла Нормуродов таширф буюрди.

Меҳмонлар бўлиmlма ихтиёрига берилган бино ва ходимларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, амалга оширилаётган ишларни юксак баҳоладилар. Шунингдек, ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида халқаро андазаларга асосланган тизим ва назарий жиҳатларга эътибор қаратиш ҳақида бўлиmlларига ўз тавсия ҳамда таклифларини беришди.

**Чори КҮЧАРОВ,**  
майор.

Қашқадарё вилояти.

### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБда «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — олий қадрият» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Тадбирни Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлиmlи бошлиғи, полковник А. Эрназаров олиб борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик (Омбудсман) эксперт кенгаши аъзоси, минтақавий вакиллик бош мутахассиси, республика

Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот — маърифат маркази, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, инсон эрки ва қадр-қиммати ҳамма нарсадан устун туради. Шу боис ҳам унинг топталишига йўл қўймаслик учун ҳар бир фуқаро энг аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмоғи лозим. Бу борала Ўзбекистон

Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда сўзга чиққанлар ички ишлар идораларининг судлар, давлат идоралари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бошқа институтлар билан ҳамкорлик фаолиятидаги муаммоларни атрофлича муҳокама этишлар ва мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, анжуманда ички ишлар идораларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда одам савдоси жиноятига қарши курашишда олиб бораётган кенг қўламли ишлари ҳам муҳокама этилди.

**Фурқат ХОЛИКУЛОВ.**  
«Поста» мухбири.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

**Абу КЕНЖАЕВ** олган сурат.





Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Ахборот маркази катта инспектори, майор Қимбат Якупова хотин-қизлар байрамининг шукуҳли онларидан кўп бор хушнуд бўлган. У шу куни яқинлари, ҳамкасблари ва шогирдлари табрикларидан илҳомланиб, янада рухланади. Айниқса, ўтган йилги байрамни ҳеч қачон унутмайди. Чунки, "А'ло хизматлари учун" кўкрак нишони билан тақдирланганди.

## АЁЛ БАХТИ

— Рағбатлантириш мақсадида берилётган мукофотлар, ходимлар хизматининг самардорлигини оширишда муҳим роль ўйнаши табиий. Жамоадаги ҳурмат-эътибор, меҳр-оқибат ва халқнинг билдираётган ишончи кучли руҳий озуқа бахш этади. Юксак кудратга эга бўлган бу манбани ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди, — дейди майор Қимбат Якупова.

Ҳамиша қоғозларга кўмилиб ўтирадиган бу аёлнинг меҳнати кимларгадир осон ва жўн кўриниши мумкин. Аслида эса, архив ҳужжатларини юритиш, қайд этиб бориш, тартиб билан жойлаштириш ва талаб қилинганларини эса тез топа олиш ҳам ходимдан тезкорлик ва чаққонликни талаб қилади. Бердах номидаги Нукус давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини муваффақиятли тугатган Қимбат учун олган билимлари бугунги кунда жуда асқотаётгани ҳам фикримизнинг исботидир. У хизмат фаолиятини Нукус тумани



ни ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар билан ишлаш гуруҳи инспектори лавозимидан бошлади. Ёш, шижоатга тўла инспектор маҳалла ва мактабларда, профилактик тадбирлар олиб бораётган пайтда, Арзигул исмли қизнинг анчадан бери дарсларга қатнашмаётганидан воқиф бўлди. Ўқитувчилар ҳам унинг хонадонига боравериб, доим оғзидан ароқ ҳили анқиб турадиган, ҳеч кимга гап бермайдиган, вайсақи онасидан безор

бўлишиб, охири қўл силтаб кетишган экан.

Бу хонадонга таъриф буюрган, милиция формасидаги ёш қизни кўриб, қўншилар бироз ҳайратланишди. Ҳатто, худобас келмаса, бандаси бас келолмайдиган, бу пиёниста аёлдан, узоқроқ юришни маслаҳат беришди. Оиланинг ноҳор кун кечираётганини, Арзигулнинг оғир меҳнатдан азобланаётганини кўрган Қимбат Якупова хизмат вазифасига фидойилик ва масъулият билан ёндашди. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қилинган ишлар натижасида, мазкур оиладаги турмуш тарзи ўнгилди. Ўз вақтида даволаниш муассасаларига ётқизилган ва тегишли ёрдамлар кўрсатилган аёл соғлом ҳаётга қайтди. Арзигул ҳам ўқишни давом эттириб, тенгдошлари қатори ўз мақсади йўлида дадил қадам ташлади. Бугун, ҳаётда ўз ўрнини топиб олган Арзигул ҳам байрамларда қимматли Қимбат опасини йўқлаб туришни ҳеч қанда қилмайди.

Меҳрибон она, суюкли ёр Қимбат Якупова бахти тўқис аёлдир. Унинг турмуш ўртоғи, истеъфодаги подполковник Бекполат Бекназаров, узоқ йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилган. Бир-биридан ширин фарзандлар эса оила бахтининг мустаҳкам устунларидир. Маҳаллақўй таъшишлари ва қувончларига вақт ажратиб, шерик бўлиб турадиган, маслаҳат ва зарур ёрдамларини аямайдиган бу оила соҳиби ва соҳибасига ҳамма ҳавас билан қарайди. Жамиятда ўз ўрнини топа билган аёл учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.  
Суратда: майор Қимбат Якупова.

Қорақалпоғистон Республикаси.

## САФМИЗДА БАРЧИНОЙЛАР БОР

Жойларда Қўриқлаш бўлинмалари хизматига бўлган ишонч тобора ортиб, шахсий таркиб фаоллиги юксалиб бормоқда. Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ, албатта.

Айни кунда Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси шахсий таркиби ҳодимлари томонидан 700 дан ортиқ турли хил халқ ҳўжалиги объектлари қўриқланмоқда. Шу билан бирга 427 та фуқаролар хонадонлари ҳам ишончли муҳофазага олинган.

Бўлинмамизда шахсий таркиб ходимларининг жанговар ва касбий тайёргарликларини такомиллаштиришга ҳам жиддий эътибор берилади. Техника-қўриқлаш пунктлари қўлга олиш гуруҳлари ҳамда жойлардаги холимларнинг жанговар тайёргарлик даражаларини такомиллаштириш, объектлар дахлсизлигига таҳдид солинган пайтларда уларнинг тезкорлигини таъминлаш мақсадида вақти-вақти билан «Ташвиш» хабари бўйича ўқув машғулотлари ўтказиш олат тусига кирган. Қувонарли жиҳати шундаки, шахсий таркибимизда биз би-

лан елкама-елка меҳнат қилаётган аёлларимиз ҳам талайгина. Уларнинг 49 нафари шаходатланган, яна 50 нафари эркин ёлланган ходимлардир. Шу ўринда уларнинг жасурлиги, хизмат вазифаларига садоқати алоҳида эътирофга лойиқ.

Барчиной ва Тумарислар авлоди бўлиш сафдошларимиз нафақат оилада тенгсиз бека эканликларини, ҳатто хизмат вазифаларига бўлган садоқатларини намойиш этиб, жамоага ўрнак бўлмоқдалар. Ана шундай ходимларимиздан лейтенант Шаҳноза Юсупова, сафдорлар Зухраҳон Маҳмудова, Ўғилой Абдурахмонованинг жонбозликларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Баҳорнинг ушбу гузал онларида, Халқаро хотин-қизлар куни арафасида уларни ҳар қанча эъозласак, қутласак ва эзгу тилаклар билдирсак шунча оз.

Одилжон УСМОНОВ,  
подполковник.

Фарғона вилояти.



Суратда: лейтенант Ш. Юсупова шогирдлари — сафдорлар З. Маҳмудова ва У. Абдурахмонова билан.

## СУРАТЛИ АХБОРОТ



Узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақага чиққан холимлар Ўзбекистон Республикаси ИИБ МИБ нафақа бўлими бош инспектор-тафтишчиси, подполковник Наталья Абдумаминовна жуда-жуда ҳурмат қилишадди. Бунга асосий сабаб унинг ниҳоятда ширинсўзлиги, меҳрибон ва барчага бирдек мулоим муносабатдалигидир. Наталья Андреевна ўттиз йиллик хизмат фаолияти давомида у ёки бу савол билан мурожаат қилганларнинг барча муаммоларини ижобий ҳал этишда баҳоли кудрат кўмак бериб келмоқда. Бугунги айём муносабати билан биз ҳам ҳамкасбимизга кўнгилдаги энг эзгу тилакларимизни билдирган ҳолда яна узоқ йиллар халқ осойишталиги йўлига бутун умрини бахшида этиб, пафақага чиққан фидойи инсонларнинг хизматларида бўлишни тилаб қоламиз.

## СОҲАМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

### ИСТИҚБОЛИ ОЙДИН ҚИЗ

Эльмиранинг ички ишлар идораларида хизмат қилаётганига ўн йилдан оши. Унинг бу соҳага келиши осон кечмаган. Қизилтепада чеварлиги билан танилган Раиса опа тикиш-бичишга анчагина ўқувли, болагидан тикув машинасининг ёнидан жилмай онасининг қасбга гоҳ пинҳон, гоҳ эса ошқора ҳавас билан қарайдиган қизининг дабдурустан ички ишлар идораларида ишлаш истаги борлигини билгач аввалига рўйхушлик бермади. Ростда, ўғил бола бўлганида бошқа гап эди. Қолаверса, қизим хунаримни эгаллаб, элга хизмат қилади, ишпини давом эттиради, деган ниятда эди. Аммо уйда ҳам, ишла ҳам бирдек тартиб-интизомни хуш кўрадиган оила бошлигининг қатъий фикри бир неча кундан буён унинг ҳаёлини банд этган нотинчликка нуқта қўйди:

— Қизининг феълени яхши биласан, — деган эди ўшанда Қосим ака ишонч билан. — У бошлаган ишпини охирига етказ-

магунча тиниб-тинчимайди, қатъиятли, серғайрат. Ўзи орзу қилган соҳада ишласин.

Отаси ҳақ гапни айтган экан. Ўтган йиллар давомида Эльмира хизматда тобланди, тажриба орттирди. Олий ўқув юртида ўқиб, билимини мустаҳкамлади. Баъзан мураккаб вазиятларга дуч келганда устоз-у ҳамкасбларининг қўллаб-қувватлашлари унга далла бўлди.

Дарвоқе, ҳозир Раиса опа қизи Эльмира билан фахрланати. Айни кунда Э. Саксонова вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, капитан. Камгап ва камгарин, аммо ўз ишига пухта, ҳужжатлар билан ишлашда масъулиятли, зукко қиз жамоадоллари меҳрини қозонган.

— Эльмира билимли, шижо-

атли ходима, — дейди бонқарма ЖК ва ТҚКБ бошлиғи ўринбосари, полковник Ф. Қувондиқов у ҳақда самимият билан сўзларкан. — Аслида ички ишлар тизимларида эркактар билан бир сафда туриб хизмат олиб бориш осон эмас. Бунинг учун хоҳиш-истакнинг ўзигина камлик қилади. Машаққатлардан чўчимаслик, чидам, ирода бўлиши керак. Бу сифатлар Эльмирада етарли. У ўзига топширилган ҳар бир ишни нишиқ-пухта, бекаму кўст бажаришга ўрганган, меҳнатдан қочмайди. Унинг ютуғи ҳам шунда.

Ҳалол ва самарали хизматлари билан катта жамоада ҳурмат-эътибор топаётган қизнинг қадамлари дадил, қарашларида ишонч ва қатъият мужассам. Ота-она дуосини олиб, кам бўлмапти. Қалбидаги ойдин орзулар унинг эртаси бугунидан-да ёруғ, келажаги қутлуғ эканидан нишона.

Нигора РАХИМОВА.

Навоий вилояти.



## ИЗЛАНГАН МАҚСАДИГА ЕТАДИ



**Интилганга толе ёр, дейишади доно халқимиз. Марҳабо ҳам жамиятда ўз ўрнини топиш, элу юртига озми-кўпми нафи тегиш мақсадида тинмай ўқиди, изланди.**

бўлими бошлиғи, майор Маматсоллий Матрасулов. — У қатъиятли, меҳнатсевар ходима, шушнингдек, меҳрибон оила бекаси ҳамдир. Марҳабо зиммасидаги вазифаларни ўз вақтида адо этиш билан бирга фарзандлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Интилувчан, тиришқоқ бу ходима билан фахрлансак арзийди.

Айни кунда вилоят ИИБ молия-иқтисод бўлими бош мутахассиси вазифасида хизмат қилаётган лейтенант Марҳабо Раҳимова халқ оёйишпаллигини таъминлашдек иарафли ишга ўз ҳиссасини қўшаётганидан бениҳоя хурсанд.

**К. ИБОДУЛЛАЕВ,**  
майор.

Суратда: вилоят ИИБ молия-иқтисод бўлими бош мутахассиси, лейтенант Марҳабо Раҳимова хизмат пайтида.

**Х. ЖАББОРОВ**  
олган сурат.


Хоразм вилояти.

Урганч шаҳридаги 17-умумтаълим ўрта мактабининг аъло баҳоларга тугатган Марҳабо Тошкент Давлат аграр университетининг иқтисодчи-тафтишчи факультетига ҳужжатларини топширди. Илмга чанқоқ қизининг интилиши зое кетмади. Орзуси ушалган Марҳабо кунг билан билим олишига ҳаракат қилди. Амалий машғулотларда фаол иштирок этди. Олий ўқув

юртини муваффақиятли тамомлагач, вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига ишга қабул қилинди. Мана шунга ҳам ўн йилдан ошди. Ўтган йиллар мобайнида у ўзининг ҳалол меҳнати билан касбига бўлган садоқатини намоён этди. Ҳамкасбларининг иззат-ҳурматиға сазовор бўлди.

— Марҳабо бизнинг фахримиз, — дейди вилоят ИИБ молия-иқтисод

**Бухоро вилояти ИИБ тиббий хизматида ўзининг самарали фаолияти, фидойилиги, билим ва тажрибаси билан ҳурмат топган, эл меҳриға сазовор бўлган шифокорлар кўпчилиқни ташкил этади. Улар орасида олий тоифали шифокор, Хосият Наврўзованинғ ўз ўрни бор. У 37 йилдирки, инсон саломатлиғи йўлида хизмат қилади.**



## ФИДОЙИ ШИФОКОР



туллаевна бу таклифға рози бўлганли.

— Бу соҳаға ўтиб ишлаганимдан нушаймон эмасман, — дейди шифокор. — Ички ишлар ҳолимлари — оёйишпаллик посбони. Демак, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, даволаш билан биз, шифокорлар ҳам тинчликка хизмат қилаёйимиз. Бу жуда шарафли вазифа.

32 йиллик ҳаётини шу комиссия иши билан боғлаган шифокор дастлабки йиллардаги фаолиятни бутунги кун билан таққослайди. Ҳақиқатан шифокор эътироф этганидек фарқ жуда катта. Аввало, қулай иш шароити, замонавий тиббий техникадан фойдаланиш, беморларни даволаш имкониятларининг кенгайганлиғи айни мурда. Ички касалликларни аниқловчи УЗИ, опқозон-ичак касалликларига аниқ ташхис қўйишда катта ёрдам бераётгани, Германияда ишлаб чиқарилган ФГДС аппаратлари комиссия ишида жуда асқотаяпти.

— Хосият Фатуллаевна жамоамизнинг етук мутахассиси. У киши тиббиёт жонкуярни бўлини билан бирга ёшларнинг сеvimли мураббий-устози ҳам, — дейди вилоят ИИБ Ҳарбий тиббиёт комиссияси раиси, капитан В. Мўминов. — Мен ўзим, шунингдек, тажрибали шифокор Шариф Остонов, Дилноза Муҳаммедова сингари кўплаб тиббиёт ходимлари касб сирларини у кишидан ўрганганимиз.

Х. Наврўзова турмуш ўртоғи, вилоят ИИБ санитария эпидемиология станцияси эпидемиологи К. Қиличев билан икки ўғил, бир қизни воёга етказишди. Икки ўғил айни пайтда ички ишлар идораларида хизмат қилинаёпти. Иккаласи ҳам майор. Қизи липей ўқитувчиси.

Ҳамон шижоатли, фидойи, ўз касбининг устаси Х. Наврўзова инсон саломатлиғи йўлида толмай хизмат қилмоқда.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА,**  
**Фарход ҲАКИМОВ.**

Бухоро вилояти.

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,  
Шараф тожи эрур оёғин гарди.  
**Абдурахмон Жомий**

Хотиннинг жиҳоди — эрга итоат этмоқликдир.  
**Али ибн Абу Толиб**

Ғамгин қаро кунда қим сенга ёр,  
Шодлик кунингда ҳам унутма зинҳор.  
**Фаридиддин Аттор**

Аёл, бил, лутфу ҳамматга сазовор,  
Гудакдек меҳру шафқатга сазовор.  
**Носир Хисрав**

Хотинларда ифғат, поклик энг улуғ жамолдир. Хиёнатга хиёнат қилиш билан қарши турма, балки хоинларни тарк эт.  
**Абу Аъло ал-Маарий**

Аёл кўп нарсани талаб қилмайди: фақат унинг эри ҳар қандай аёл олдида кучли бўлса-да, ўз аёлининг олдида заиф бўлиши керак.  
**Араб ҳикмати**

Хотин содиқ — ани севгил азиз эр,  
Ҳар оғир ишда ҳам доим сени дер.  
**Сайфи Саройи**

## ОРЗУЛАРИ ОЛАМ МУҚАДДАС



Оилада катталар юрган йўлдан кичиклар ҳам борали, деган нақл бор. Ички ишлар идораларида ота изини босган ўғиллар кўп. Шу билан бир қаторда хотин-қизларимиз ҳам борки, улар отаси, акаси каби юртда тинчлик ва оёйишпалликни сақлаш хизматиға кириб, йиғитлар билан бир сафда ишляпти. Шулардан бири кичик сержант Муқаддас Ўролова отаси Ғофир ака ва

акаси Ғуломжонга ҳавас қилиб, ички ишлар идоралариға хизматға кирган. Мана, етти йилдирки, Сирдарё вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлимида ишлаб келмоқда.

Устозлари — подполковник Жамоллидин Сулаймонов, майор Ўқтам Мамадалиевдан нафақат касб сирлари, балки ҳаётнинг пасту баландини ҳам пухта ўрганди. Уларнинг қимматли маслаҳатлари, тажрибалари бутунги кунда жуда қўл келмоқда. Муқаддас келажакда худди устозлари каби ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб, элиға, Ватаниға самарали хизмат қилиш ниятида.

Таълаган касбига масъулият билан ёндашадиган, қатъиятли, сабр-тоқатли аёллар ва қизларнинг ички ишлар идоралари ходимлари сафиға кириб келиши ва қисқа фурсатда жамоада ўз ўрнини топа олиши шубҳасиз, ички ишлар идораларининг обрў-эътиборини ошириб, эл инюнчини мустаҳкамляпти.

**Илҳом МАВЛОНОВ,**  
майор.

Суратда: кичик сержант М. Ўролова.

**Н. ЙЎЛДОШЕВ** олган сурат.  
Сирдарё вилояти.

## УЛАРГА ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

**Сурхондарё вилояти ИИБда ҳам хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор. Улар хизматда ва жамоат ишларида, оилада, бола тарбиясида ҳаминша фаол, пешқадам. Хизмат вазифасини бажаришда айниқса, бекаму кўстлик, виждонан муносабатда бўлиш, саранжом-саришталик, ширинсуханлик уларға хос фазилатлардир.**

Ҳар бир ходима ҳақида илиқ сўзлар айтса арзийди. Подполковник Фарогат Мўминованинғ сиймосида, ҳаёт йўлида ибратли жиҳатлар бир дунё. Эндигина хизматға кирган ёш қиз учун ички ишлар идораси катта

ҳаёт, тажриба, камолот мактаби бўлди. Бутунги кунда бой тажриба соҳибаси, меҳрибон ва қаттиққўл ходима, обрў-эътиборли аёл, ибрат бекаси. Ёшларнинг сеvimли устози, мураббий. Яқиндагина истеъфоға чиққан



подполковник Людмила Бегимқулова ҳам қарийб 40 йиллик хизмат фаолиятини ички ишлар идоралариға бағишлади. Унинг аъло хизматлари учун кўксини қатор орден-медаллар беэаб турбиди.

Хорижға чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходималари, майор Саломатхон Фарибшоева, майор Садбарой Жумаева, эксперт, майор Латофатхон Бобоева, пенсия таъминоти бўлими бошлиғи, майор Моҳидил Абрайқулова, тергов хизматидан капитан Нолирахон Норқулова, профилактика хизматидан майор Нолирахон Жабборова ва катта лейтенант Саломатхон Каттаеванинғ ҳар бири ҳақида кўплаб илиқ, самимий сўзларни келтириш мумкин.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.**

Суратда: подполковник Ф. Мўминова шогирди, катта лейтенант С. Каттаева билан.

**Э.ТУЛЯЕВ** олган сурат.  
Сурхондарё вилояти.

## БИЗНИНГ СУҲБАТ

Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эҳтиром давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртбошимиз ҳамда ҳукуратимиз томонидан кўрсатилган эътибор туфайли аёлларимиз жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлдилар. Хотин-қизларимиз барча жабҳаларда сидқидилдан меҳнат қилиб, ўзларини фаол, бошқалардан кам эмасликларини намоён этмоқдалар. Чунончи, республика ИИБ тизимларида эғнига ҳарбий либос кийиб, эркалар билан бир сафда юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашга муносиб ҳисса қўшаётган аёллар талайгина. Айниқса, пойтахтимизнинг гуллаб-яшнаши, фаровонлиги йўлида Тошкент шаҳар ИИББ тизимларида хизмат қилаётган хотин-қизлар фаолияти диққатга сазовордир.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида бир неча йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Нодира РАСУЛЕВАНИ СУҲБАТГА ТОРТИДИ.



этади. Сафимизда хизмат қилаётган хотин-қизларимиз зиммаларига юклатилган бурч ва вазифаларини масъулият билан бажармоқдалар.

бўлмоғи лозим. Бундан келиб чиқиб, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган аёлларнинг ҳуқуқий билимларини муттасил равишда ошириб бориш ҳам диққат марказимизда. Бу борада ўтган йил давомида Бош бошқармада «Ёшлар тарбиясида хотин-қизларнинг ўрни» ҳамда «Ҳуқуқий саводхонлик» каби семинарлар ташкил этилди. Ушбу анжуманларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, республика ИИБ олий ўқув юртлири про-

**Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.**

Ислон КАРИМОВ.

кактар билан бир сафда хизмат қилиб, пойтахтимиз осойишталиги ва тинчлигини сақлаш борасида бошқа ҳамкасбларига ўрнатилган бўлишарди. Албатта, осойишталик ва тинчликни сақлаш осон иш эмас. Бунинг учун аввало, ходимнинг ўзи жисмонан соғлом бўлиши зарур. Шу боис, аёлларимиз шаҳар «Динамо» ЖТСЖда спорт турлари билан мунтазам шугулланишлари йўлдан қўйилган.

– Юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрган бир паллада кўнглингиздан қандай ўйлар кечмоқда?

– Тўғриси, қалбимда кечаётган ҳис-туйғуларим кўпдан-кўп. Юртимизда фасллар келинчаги – баҳор шукуҳи кезиб юрган айни паллада мамлакатимизнинг барча гўшаларида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланади. Фурсатдан фойдаланиб, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган барча хотин-қизларни байрам билан чин дилдан муборакбод этаман. Уларга бахт-содат, эзгу ниятлари йўлдош бўлишини, ҳеч қачон аёллик назоқати ва нафосатини йўқотмасликларини тилаб қоламан.

– Сизга ҳам байрам муборак бўлсин! Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Қобилжон ШОКИРОВ,  
«Постда» мухбири.  
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

## АЁЛНИ СЕВ, АРДОҚЛА УНИ!

– Хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини қандай баҳолайсиз.

– Мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги нуфузини кучайтириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар уларнинг иқтидорини, имкониятларини намоён этиш учун етарлича шарт-шароит яратиб берди. Шу боис, аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи йилдан-йилга мустақамланиб бормоқда. Айни пайтда хотин-қизларимиз фарзанд тарбияси билан шугулланишлари баробарида жамият қурилишида иштирок этиш, тадбиркорлик ҳамда иқтисодий соҳа тараққиёти ва илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Зеро, Президентимизнинг: «Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини кўтариш бизнинг давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан биридир», деган сўзлари юртимизда аёлларнинг ижтимоий ҳуқуқлари нақадар ишончли кафолатланганидан далолат беради. Миллий қадриятларимизнинг узвий давоми сифатида бугунги кунда аёллари-

мизга ғамхўрлик кўрсатилмоқда, уларга ишонч билдириляпти. Айтиш лозимки, жамиятда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан қилинаётган ишлар ҳам кундан-кунга ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

– Нодира Анваровна, Тошкент шаҳар ИИББ хотин-қизлар кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

– Айни дамда пойтахт ИИББ тизимларида 500 нафардан ортиқ шаходатланган ва мингдан зиёд эркин ёлланган аёл ходимларимиз эркалар билан бир сафда самарали хизмат қилиб келишаётир. Уларнинг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Ички ишлар идораларида хизмат қилиш кишидан етарлича билим, ғайрат-шижоат, сабр-бардош ва қолаверса, юксак маҳорат талаб

Таъкидлаш жоизки, шаходатланган хотин-қизларимиз орасида тизимда кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган малакали ходимлар талайгина. Улар ўзларининг бой билим ва тажрибаларини ёш ходимларга ўргатиб келишмоқда. Хусусан, Бош бошқарма ШТБИХ бошлиғи ёрдамчиси, подполковник Ўғилшод Пардаева, Ахборот маркази катта инспекторлари – подполковник Ольга Мезенцева, майор Виктория Верец ва капитан Галина Тен, МИБ бўлим бошлиғи, подполковник Нортжи Бегимкулова, Котибият ходими, капитан Муҳаббат Ибрагимова ҳаби кўплаб фаол ва жонқуяр ҳамкасблар номларини фахр билан қайд этишимиз мумкин.

Шу ўринда қайд этиш керакки, жамиятда ҳуқуқ тартибот ва қонунчиликни мустақамлаш учун ҳар бир ходим касбий малака ҳамда етарлича ҳуқуқий билимга эга

фессор-ўқитувчилари, хотин-қизлар кўмитаси вакиллари ва ҳуқуқшунос олимларни таклиф қилиниб, аёллар ҳуқуқларида оид мавзуларда фикр-мулоҳазалар юритилди.

– Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Кароматхон 1974 йилда Андижон Давлат педагогика институтининг тарих ва филология факультетини тамомлаб, бор билими ва маҳоратини ёш авлод тарбиясига бағишлади. Ундан сабоқ олган кўплаб ўқувчилар бугунги кунда жамиятимизнинг етуқ кишилари қаторидан жой олган. Узоқ йиллар сидқидилдан ишлаш билан бирга турмуш ўртоғи Имнжон ака билан икки ўғил ва икки қизни вояга етказишди. Фарзандлар ота-оналари оруз қилганидек ўқимини, одобли бўлиб камол топдилар. Имнжон ака 20 йил ички ишлар идораларида самарали хизмат қилган. Истеъфодаги подполковник ёшлар билан ўз тажрибасини ўртоқлашди.

Ўз соҳасининг етуқ мутахассисларидан бири бўлиши Кароматхонни 2002 йили «Анҳор» маҳалла фуқаролар йиғинига педагог-тарбиячи вазифасига ишга тақдир қилишди. У қисқа вақт ичида ҳаракатчан ва фидойи ишчи билан обрў қозонди. Шу боис ҳам 2004 йили нафақага чиққач уни диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозимига тайинлашди.

— Биз бу вазифага бежиз Кароматхонни танламадик, — дейи «Анҳор» маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Му-

ҳаббатхон Ҳақимова. — Сабаби, педагог-тарбиячи сифатида инсончимизни оқлади. Ҳар бир киши билан тез тиллаша олади, қўлидан келган ёрдамни аямайди. Унинг саъй-ҳаракатлари сабабли маҳалламиздаги айрим нобон оилалардаги низолар барҳам топди, вояга етмаганлар ўз йўлини топиб олди.

Кароматхоннинг энг хайрли ишларидан бири — маҳаллада «Ёш оилалар клуби»ни ташкил этди. Натижада кўплаб йўта-раклар фаолияти йўлга қўйилди. Бугун клубга нафақат келинчаклар, балки катта ёшдаги аёллар ҳам мурожаат қилиб, оила сирларидан вокиф бўлишяпти.

— Худудимизда 4 мингга оила истиқомат қилади, — дейди Кароматхон. — Ҳар қандай кўнгилсизлик ишсизликдан келиб чиқади. Иш билан машғул одам ножоиз ишга қўл урмайди. Шу боис ҳам маҳалладаги алоҳида эътибор бераямиз. Бу борда маҳалладаги ишлаб чиқариш корхоналари, айниқса тадбиркорларнинг ҳамкорлигини алоҳида эътироф этишим керак. Масалан, Ҳайитхон Йўлдошевани олайлик. У аёллар кийим-кечаклари пехини ташкил этиб, 30 нафар хотин-қизларни иш билан таъминлади.

Маҳаллада жамоат тарғибини сақлаш, айниқса, вояга етмаганлар билан ишлашда ички ишлар ҳодимларининг хизмати катта бўлаёпти. Профирактика инспектори, капитан Ойбек Йўлдошев ва ВЕОҚООГ инспектори, майор Маъмура Аҳмедова Кароматхон опанинг энг яқин маслаҳатчиларига айланишган. Улар ишгирида маҳаллада тарбиявий ишларни ташкил этиш йўлга қўйилган. Шу сабабли шаҳар миқёсида ўтказилаётган турли мусобақаларда «Анҳор»ликлар фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

**Борис КЛЕЙМАН.**

Андижон вилояти.

## МЕҲР-ЛА ТАРБИЯ ТОПДИ

Биз аёллар сиймосида мунис оналаримизни, суякли умр йўлдош ва меҳрибон сингилларимизни, шунингдек, турли соҳаларда хизмат қилаётган замондош она-сингилларимизни кўрамыз.

Бугунги кунда Тошкент вилояти ИИБда ҳам бир гуруҳ аёллар эркаклар билан бир сафда шижоат билан хизмат қилишмоқда. Вилоят ИИБ молия-иқтисод бошқармасига кириб борган кишининг бу маскандаги ҳолималарнинг хушмуомаласи-ю, мулойим табассумидан чеҳраси ёришади. Зеҳдли ҳолималар мураккаб ҳисоб-китоб ишлари билан банд бўлишса-да, ҳар бир мурожаат этган ҳамкасбига эътиборли муносабатда бўлишга одатланишган.

— Устозларимиз, бу маскандан ҳеч ким, ҳеч қачон норизо бўлиб кетмаслиги керак, деб ўргатинган — дейди молия-иқтисод бошқармаси гуруҳ бош муҳандис-иқтисодчиси, капитан Матлуба Хужанова. — Шунинг учун ҳам вилоятимизнинг узоқ туман-шаҳарларидан келган ҳар бир фуқарога қўшмиздан келганча ёрдам беришни бурчимиз, деб биламиз. Отамнинг айнан ички ишлар соҳасида хизмат қилганлиги, меннинг ёшчилигимдан бу касб эгаларига ўзгача ҳурмат ва меҳр руҳида тарбия топганимга сабаб бўлган, деб уйлайман. Ички ишлар ҳоли-

маси сифатида ҳам ишга, ҳам оила юмушларига бирдай вақт топишга интиламан.

Юқорида бежизга устозлар ҳақида сўз очмадик. Чунки, бу маскандаги устоз-шогирдлик аъёнчаларига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Бошқарманинг ҳисобчиси Гули Абдукаримова узоқ йиллар бошқармада турли лавозимларда хизмат қилиб, нафақага чиққан. Ҳозирги кунда эркин ёлланган ҳодима сифатида кўпчилик ёш ҳолимларга касбнинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бу касбда хизмат қилиш кишидан ўта масъулият талаб қилади. Ҳодим аввало, тартиб-интизомга, озодагарчиликка эътибор бериши лозим, — дейди истеъфодаги катта сержант Гули Абдукаримова. — Ҳар бир ҳужжатнинг ўз ўрнида бўлиши иш унумдорлигини ҳам таъминлайди.

— Устозларнинг йўл-йўриқлари туфайли касбимга тобора қизиқишим ортиб, соҳанинг барча жиҳатларини пухта ўрганишга ҳаракат қиялман, — дейди ёш ҳолималардан бири, кичик сержант Гавҳархон Қосимова. — Устозим Гули Абдукаримова ҳар доим инсонлар манфаатини, уларга қўлайлик туғдиришни ўйлаш лозимлигини уқтиралди.

Табиятан қувноқ, кўнгли очик ва дилкаш, берилган топшириқларни масъулият билан, сифатли бажаришга интиладиган ҳолималар ўзига юклатилган вазифалардан танқари жамоат ишларида ҳам фаол эканликларини раҳбарларга алоҳида таъкидлашди.

Биз мўъжазинга мақоламининг поирининг қўнидаги сатрлари билан якунлашни лозим топдик.

**Аёшнинг таърифини**  
қўи айтмоқ мумкин,  
Ҳеч ким маромига етмаган ҳалв.  
Аёл — аёл бўлар эрлар мард бўлса,  
Аёл — аёл бўлар қулган маҳали!  
**Хуршид РҶЗИЕВ.**





8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

## ЭЛ ХИЗМАТИДА

Ички ишлар идораларида хизматни Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБда сафдорликдан бошлаган Сайёра Тоштурдиева йиллар суронида барча ташвиш-ли шу билан бирга қувонарли дамларини сабоглаб енгиб ўтди. Хизматнинг дастлабки йилларида маълумотини ошириш ва стук мутахассис бўлиш ниятида Тошкент ўрта махсус милиция мактабида таҳсил олди. Сўнгра Косон тумани ИИБ ҚООБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳида инспектор бўлиб фаолият юритди. Зийраклиги, берилган тошчирикларни бажармагунча тиним билмаслиги, айниқса, ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатининг ишдан



игнасигача эслаб қолиш қобилияти билан раҳбарлар назарига тушди. Унинг бу хислати бошқарма

ахборот марказида ишлаган кезларда қўл келди. У устози истефодаги подполковник Раҳима Ҳайитовадан соҳанинг сир-асрорларини кунт билан урганди. Маълумотларни тартиб бўйича жойлаштириш, тезкор сўровларга ўз вақтида жавоб беришда ҳамкасбларига ўрнатқучи бўлди.

Айни кезларда майор Сайёра Тоштурдиева бошқарма ахборот маркази катта инспектори лавозимида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. У ўзига бировкирилган вазифаларни аъло даражада урнатқучи билан бирга ёш ходимларга тажрибаларини ҳам ўргатмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ.**  
Суратда: майор Сайёра Тоштурдиева.

**Абу КЕНЖАЕВ** олган сурат. Қашқадарё вилояти.

## ЖОНКУЯР ОПА



«ёрилди». Турмуш ўртоғининг феъл-атворини, бир ишга қўл урса охирига етказмагунча тиниб-тинчимаслигини яхши билган Маҳмуджон ака унинг раъйини қайтармади.

Интиланганга толе ёр деганларидай, Ҳабиба Асқарова 1994 йилда вилоят ИИБ алоқа бўлимига ишга қабул қилинди. Албатта, бошида оила ташвиши, фарзандлар тарбияси, ишни мукамал ўзлаштириб олиш каби қийинчиликлар ҳам бўлди.

Аёл бор олам мунаввар, борлиқ кулиб тургандай. Айниқса, саришта, оқила аёл бор жойда на бир гўбор ва на бир тартиб-сизликка урин йўқ.

Бугунги кунда вилоят ИИБ тизимида ҳам ана шундай аёллар хизмат қилмоқда. Улар орасида эркин ёлланган ходимлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Шулардан бири, бошқарма алоқа бўлими телетайп оператори Ҳабиба Асқарова ҳам қарийб 15 йиллик, самарали хизмат қилиб келаётган.

У болалитидаёқ қатъиятлилиги ва серғайратлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Ана шундай шижоати туфайли ўрта мактабдан сўнг ҳеч иккиланмай Уйчи тумани Жийдакапа қишлоғидаги техникумга ўқишга кирди. Уни муваффақиятли битириб, мактабда меҳнат фаолиятини бошлади. Аммо ўз ишидан кўнгли тўлмасди. У пайтларда аса қишлоқдан чиққан оддий қизнинг ички ишлар идорасида ишлаганини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Бироқ қалбидаги орзулар оила қуриб, фарзандларнинг меҳрибон оиласи бўлганида ҳам уни тарқ этмади. Тиришқоқ, интилувчан аёл охири эрига

– Юрт тинчлиги, халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлаш нафақат эркаларнинг, балки барчанинг вазифаси, – дейди Ҳ. Асқарова фахр билан. – Ана шу масъулиятли ишга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан жуда-жуда бахтиёрман...

Меҳнат инсонни улугълайди, халққа хизмат бежиз кетмайди. Ойлада суюкли ёр, меҳрибон она, пабираларнинг бувиси бўлган Ҳабибахоп она ёшлар тарбиясига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

**Ф. МАМАЖОНОВ.**  
Наманган вилояти.

## РАИСДАН ҲАММА МАМНУН

Кўксарой маҳалласи Самарқанд шаҳридаги энг гавжум, шу билан бирга намунали гушалардан бири. Маҳалла аҳли, тажрибали педагог, бутун иш фаолиятини ёш авлодга илм ва тарбия беришга бағишлаган фидойи аёл Мавлуда Ахтамовани ўзларига раис этиб сайлашган.

Мавлуда опа эрталаб ишни профилактика инспектори, лейтенант Фарруҳ Раҳимбоев билан учрашиб, кечаги ишлар якуни, янги режалар ҳақида маслаҳатлашганидан бошлайди.

Дарвоқе, ўтган йил якунлари бўйича маҳаллага хизмат кўрсатаётган 4-милиция таянч пункти «Намунали милиция таянч пункти» республика кўриктанловида фахрли 2-ўринни эгаллади ва компьютер тўплами билан тақдирланди. Бу ютуқда маҳалла раисининг катта ҳиссаси бор, албатта. Раис гушанинг инфратузилмасини яратишда бош-қош. Бу эса тинчлик-осойишталик барқарор бўлишининг омилidir.

**Д. САЛОХИДДИНОВА.**



Суратда: маҳалла раиси М. Ахтамова.

**Муаллиф олган сурат.** Самарқанд вилояти.

## «ҲАМИША БАҲОРДАЙ...»



Аёл сиймосида меҳру муҳаббатни, чексиз садоқатни, гузаллигу нафосатни кўрамиз. Шундай нафис ва нозик қилиб яратилган аёлнинг жасорати-ю, матонати хусусида қўйлаб дostonлар, шеърлар, асарлар ҳам ўқиганмиз. Нафислик ва жасоратни ўзида мужассам этган бу зотта балки шу боис ҳам баъзан сирли, қудратли дея таъриф берилса керак. Бугунги кунда ҳам юрт тинчлиги осойишталиги йўлида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида эркалар қаторида туриб хизмат қилаётган аёллар талайгина. Республика ИИБ ЖИЭББ котибияти бошлиғи, катта лейтенант Гули Алиева ҳам ана шундай дилбарлик ва шижоатни ўзида акс эттирган аёллардан биридир. Гули опанинг хизмат хонасига кириб борар эканмиз, унинг юзида табассум билан бизни қарши олганлари опанинг қандай инсон эканлигини бир қарра намоян қилгандай бўлди.

Гули Алиева институтни битиргач, кўндан орзу қилиб юргани, ички ишлар ходими бўлишни энди мақсад қилиб олди. Негаки, унинг ғайрат, шижоати ҳам шунга монанд эди. У 1993 йилдан ИИБ ЖИЭББ котибиятида эркин ёлланган ходим бўлиб иш бошлади.

Фуқаролардан тушаётган хатлар ва шижоатлар билан ишлаш мен учун жуда қизиқарли ва масъулиятли эди, – дейди Гули опа. – Ҳужжатлар билан ишлаш қай даражада масъулиятли эканини тобора ҳис қилиб, ўрганиб бордим.

Гули Алиева нафақат ўз вазифасининг устаси, хизматта силқидилдан ёндашувчи ходима сифатида, балки ажойиб инсоний фазилатлари, нокиза қалби билан ҳам ҳамкасблар, раҳбариятнинг эътиборини қозонди. Унинг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, бутун вужуди, ўй хаёли билан ишга шўнғиб кетиши боис 2003 йилда у шаҳодатланган ходимлар қаторига қўшилди. Меҳ-

пат қилган элда азиз дегандаридай, унинг хизматлари муносиб тақдирланди.

Айниқса у энди ишга келган ёш ходимларга иш ўргатишдан, меҳрибонлик билан йўл-йўриқ кўрсатишдан оғринмайди. Сўхбатлашиб ўтирганимизда ҳам бир ёшгина қиз кириб нималарнидир сўради. Опа биздан узр сўраб, унга астойдил гушунтирди. Қиз мамнун ҳолатда раҳмат айтиб чиқиб кетди.

Гули Алиева ёшларнинг жонкуяр устози ва Бош бошқарма хотин-қизлар кенгаши раиси ҳам.

Тизимдаги хотин-қизларнинг яхши, ёмон кўнларида бирга бўлиб, икки қадар ёрдам берамиз, қўллаб-қувватлаймиз. Мана, бирамиз ҳам оз қолди шу боис тавергарлик хусусида аёллар билан кенгашиб олишимиз керак, – дейди Гули Алиева.

Опанинг ғайрат шижоатини, кириб келган одамларни табассум билан қарши олишини кузатиб эканмиз унга ҳавасим келди. Нозик хусусидаги шунча ғайрат, шунча нозикат. Ҳар қачон ҳам бундай муваффақият учратиш маҳол.

Ҳар бир аёлга ҳақиқий бахт саодат насиб қилсин, ҳамиша баҳордай очилиб юрсин, – дейди Гули опа сўхбат сўнггида.

**Умида БОЛЛИЕВА,** «Postda» муҳбири.

Тошкент шаҳри.

## КАСБИНИ СЕВИБ

Сайёра Холмирзаева Фалворол туманидаги Саъд ибн Ваққос Авляё ота қишлоғида туғилиб, ўсди. Ўрта мактабни тамомлагандан кейин, Жиззах тиббиёт билим юртида 2003 йилда Жиззах Давлат педагогика институтида таҳсил олди. Шундан сўнг халқ таълими соҳасида ишлади.

2006 йил январь ойида ички ишлар идораларида хизматга кирди. Ҳозирги кунга қадар вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ девонхона бошлиғи лавозимида хизмат қилиб

келмоқда. Жамоада ҳурмат эътиборга эга, меҳнаткаш, берилган тошчирик ва кўрсатмаларни ўз вақтида бажаради. Иш юритувчиси раҳбарият кўрсатмалари ва буйруқларнинг ижросини ўз вақтида таъминланишига эришяпти. Ҳар бир ҳужжатни батариб юритади, ҳамкасбларидан ҳам шунга талаб қилади. Шу боис ҳам жамоада муносиб ҳурмат-эътибор топилади. Энг муҳими ўз ишини севади.

**Б. БЕГИМКУЛОВ.**

Жиззах вилояти.



## МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ



Ички ишлар тизимларида хизмат қилаётган аёлларнинг масъулияти бошқаларга нисбатан икки қарра кўпроқ десак муболаға бўлмас. Чунки улар эркалар билан бир қаторда туриб юрт тинчлиги ва осойишталиги учун курашса, хонадондаги уй юдушларини ҳам сариштаб улгуради. Қаҳрамонимиз ҳам ана шундай аёллардан. Фарзандларининг суюкли онаси, рузгорда фаришта, хизматда намунали ходима капитан Нилуфар Ғиёсовадир. У 2001 йилда республика ИИБ Академиясини тугатиб, Собир Раҳимов тумани ИИБ терговчисп лавозимида иш бошлади. Инсонлар тақдирига жавобгарлик ҳисси кишидан тажриба, билим ва маҳорат талаб этади. Яна энг асосийси, ҳар бир ишга адолатли ёндашиш, қонун доирасидан чиқмай иш тутиш шарт. Нилуфар терговчи учун энг муҳим бўлган ана шу жиҳатларни намоян эта олгани боис фуқаролар ва ҳамкасбларининг эътиборига тушди. Хизмат фаолияти лавоимида берилган ҳар бир тошчириқни виждонан, астойдил бажариш, ушмуомалалиги сабаб ҳамкасблари билан тезда тил топишиб, уларнинг ҳурматини қозона олди.

Ўтган йили Нилуфар ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига ишга ўтказилди. Гар-

чи бу хизматда кўп ишламаган бўлса-да, жамоадолларининг меҳрини қозонишга улгуриди.

– Нилуфар ички ишлар тизимини яхши тушунади, вазифасига масъулият билан ёндашади. Билмаганини сўраб ўрганишдан эринмайди, билганини эса баҳам кўришдан оғринмайди, – деди паспорт бўлими бошлиғи уринбосари, капитан Нодир Зияев. – Нилуфарнинг бўлимга келганига кўп бўлмалди, бироқ шу қисқа вақт ичида вазифаларини пухта ўзлаштирди, – дейди Нилуфар Ғиёсованинг устози, паспорт бўлими бошлиғи, подполковник Улугбек Муҳамедов, – берилган топшириқларни силқидилдан бажаришга ҳаракат қилаётгани, унинг муваффақият калити бўлса керак.

**Гули Нигор АБАЗОВА.**



УМИДЛИ ЁШЛАРИМИЗ

# УЛДАННИНГ ПАРВОЗИ

**Спортга ошно тутинган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Айниқса, болаликдан спортга меҳр қўйиш инсонни юксак орзу-мақсадлар сари етаклайди. Республика ИИБ Академияси жисмоний тайёргарлик кафедраси кабинет бошлиғи, лейтенант Улдана Касимова ҳам спортни севувчи, машгулотларни қанда қилмайдиган оловқалб ёшлардан.**

Тошкентнинг Мирзо Улугбек туманида ишчи оиласида туғилган Улдана 10 ёшиданок спортнинг самбо тури билан шуғуллана бошлади. Аслида унинг спортга киришида оила аъзоларининг таъсири катта бўлди. Дада-си ишдан қайтганида оғир атлетика, опаси Ойнура эса, самбо билан шуғулланарди. Кўзлари доим чақнаб турувчи Улдана уларга катта қизиқиш билан боқарди. Қизиқиш бора-бора иштиёққа айланди, иштиёқ эса мақсад сари етаклади. Самбо сирларини мукаммал ўргана бошлади.

14 ёшида Россиянинг Владивосток шаҳрида ўтказилган самбо бўйича Осиё чемпионатида Улдана совриндорлар сафидан жой олди. 2001 йил Тошкент шаҳри мезбонлик қилган Осиё чемпионатида ўз вази тоифасида бронза медалини қўлга киритди. Орадан икки йил ўтиб, республика биринчилиги мусобақасида жароҳат олганлиги сабабли қисқа фурсатда машгулотларга қатнашолмади. Аммо ундаги интилиш, ишончга жароҳат

сезиларли таъсир кўрсата олмади. Севимли машгулоти билан астойдил шуғуллана бошлади, ўз устида тинмай ишлади. Натижада у 2004 йилда Қозоғистоннинг Ўрол шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди.

– Агар спортчи бирданига чемпион бўлса, ҳавойи бўлиб кетади, – дейди биз билан суҳбатда Улдананинг мураббийи Елена Пўлатова. – Мағлубият аламини татиб кўрсатгани, юксак марралар сари дадил одимлайди. Шогирдим Улданада спортчи хос бўлган фазилат, галабага бўлган ишонч юқори.

Академияда таҳсил олган Улдана ўқиш давомида спортни ҳам баравар тарзда олиб борди. Ўқишдан сўнг машгулотларга қатнашишни қанда қилмади. Олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг ундаги иқтидорни яхши билган устозлари Улданага жисмоний тайёргарлик кафедрасида ишлашни таклиф қилишди. Ўзига ишонувчан, қатъиятли спортчи қиз мана, мазкур лавозимда ишлаш билан бир қаторда пойтахт



тимиздаги 101-мактабда 15 ёшгача бўлган қизларга самбо сирларидан сабоқ беришга ҳам улгурмоқда.

Улдана бўш вақтларини оиласи даврасида ўтказишни яхши кўради. Севган таомини пишириш, айниқса, торт тайёрлаш жону дили. Оилада меҳрибон опа, ғамхўр сингил.

– Келажақда орзуларим бисёр, – дейди биз билан суҳбатда лейтенант Улдана Касимова. – Уларнинг рўёби йўлида ҳар қандай машаққату қийинчиликларга бардош беришга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, кечагина шогирд бўлган Улдана бугун мураббий. Ёш қизларнинг соғлом, бақувват, бўлишида, шунингдек, спортга меҳр қўйиб, улғайишида бор куч-маҳоратини ишга солиб, тарбияламоқда. Орзулари осмон Улдана спортсиз ҳаётини тасаввур эта олмайди. Эришолмаган ютуқларни қўлга киритишда ва чўққиларни забт этишда эса унда куч-ғайрат ва имкониятлар етарли.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**  
**«Поста» муҳбири.**  
Суратда: лейтенант Улдана Касимова.

МИНИ-ФУТБОЛ

# ХОТИРА ТУРНИРИ

**Фаллаорол тумани ИИБ спорт майдонида вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди.**

Турнир полковник Бахтиёр Мусурмонов ва майор Бердиёр Мусурмоновлар хотирасига бағишланиб ўтказилди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида марҳум ички ишлар ходимларининг хизмат йўллари ва улар билан боғлиқ хотиралар ёдга олинди.

Мусобақа қизгин ва муросасиз руҳда ўтди. Унинг якунларига кўра, биринчи ўринни вилоят ИИБ ЁХБ жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўринга Фаллаорол тумани ИИБ спортчилари сазовор бўлишди. Вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати ва ЖСО ходимларидан иборат жамоага учинчи ўрин насиб этди.

Шунингдек, вилоят ИИБ ЁХБ жамоасидан сафдор М. Абдуллаев «Турнирнинг энг кўп тўпураги» ҳамда кичик сержант Ш. Маъмиров «Энг яхши дарвозабон» деб топилди.

Ғолиб жамоа ва ғолибларга фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,**  
майор.

Жиззах вилояти.

ВОЛЕЙБОЛ

# МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан Тошкент шаҳар ва вилоят ҳуқуқни муҳофазат қилиш идоралари ўрта-

сида ўтказиладиган XVIII Спартакиада дастурига киритилган волейбол бўйича мусобақаларга пойтахт вилояти ИИБ терма жамоасини тайёрлаш ва иштирокини таъминлаш мақсадида ви-

лоят ИИБ спорт залида бошқарма аппарати ва шаҳар-туман ИИБларидан тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда волейбол мусобақалари ўтказилди.

Кескин курашлар ортида ўтган мусобақа якунига кўра, фахрли биринчи ўрин вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди жамоасига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни ИИБ молия-иқтисод бошқармаси ва Чирчиқ шаҳар ИИБ терма жамоалари аъзолари эгалладилар.

Ғолиблар ИИБ раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**  
катта сержант.

Тошкент вилояти.

Суратда:  
мусобақадан лавҳа.



# ЧАЙНВОРД – КРИПТОГРАММА

**Азиз мушгарийлар! Ушбу байрам бошқотирмаси икки қисмдан иборат. Биринчиси – машҳур аёлларнинг номларидан тuzилган доира шаклидаги чайнворд. Иккинчиси эса – квадрат шаклидаги криптограмма.**

**«МАШҲУР АЁЛЛАР» ЧАЙНВОРДИ**

1. Тўқсон олти йил умр кўрган машҳур инглиз адибаси, «Сўна» романининг муаллифи. 2. Молдовалик таниқли хонанда (исми Тамара). 3. «Она Ҳиндистон» фильмида бош ролни ижро этган актриса. 4. Атоқли ўзбек ҳуқуқшунос олимаси, академик. 5. Фазу исми машҳур авар адибаси, Доғистон халқ шоираси. 6. Таниқли ўзбек тилшунос олимаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. 7. Америкалик машҳур хонанда. 8. Овоз-

сиз кинофильмларда суратга тушиб жаҳонга танилган даниялик актриса (исми Аста). 9. 1939 йилдан Навоий театрининг етакчи солисткаси сифатида фаолият кўрсатган яккагон хонанда. 10. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида ҳарбий врач бўлиб хизмат қилган ўзбек жароҳ олимаси, тиббиёт фанлари доктори, профессор (исми Муқаллам). 11. Куба миллий балетининг етакчи раққосаси ва балетмейстери (исми Алисия). 12. «Шўх йигитлар», «Цирк», «Волга-Волга» ва бошқа мусиқали кинокомедияларда суратга тушган атоқли рус актрисаси. 13. Дунёнинг катта-катта театрларида яккагон ижрочи бўлган машҳур швед хонандаси. 14. Миллоддан аввали XV аср охири – XIV аср бондида яшаган, ўзининг беҳад гўзаллиги ва донолиги билан машҳур бўлган Миср маликаси (Аменхотен IVнинг рафиқаси). 15. Ўзбек балетининг йирик намояндаси, таниқли раққоса, балетмейстер, педагог. 16. Арманистон халқ артисти Тагуи Ақояннинг таҳаллуси. 17. Жаҳонга танилган инглиз адибаси, детектив адабиётининг «бувиси». 18. Атоқли рус шоирларининг бири, «Пулково меридиани» номли

поэманинг муаллифи. 19. «Лаванда» қўшиғини ижро этган машҳур эстрада хонандаси (Россия). 20. Ўзбек эстрада санъатининг таниқли намояндаси, Ўзбекистон Республикасининг халқ артисткаси. 21. Дунёга танилиб борётган ёш эстрада хонандаларидан бири, Татаристон Республикасида хизмат кўрсатган артистка.

**КРИПТОГРАММА**

Маънолари қуйида тавсифлаб берилган бешга очкич сўзни топиб, уларнинг ҳарфларини доира шакли теваратдаги тўрт бурчакли криптограмманинг тегишли рақамлари остига бирма-бир ёзиб чиқсангиз, у ерда йигитларимизга аталган ҳикматлардан бирини ўқийсиз.

I. «Тоҳир ва Зухра» фильмида бош роллардан бирини ижро этган таниқли ўзбек актрисасининг фамилияси – 4, 6, 11, 1, 8, 9, 1.


II. Ҳил аёлларининг миллий кийими – 7, 1, 4, 6.

III. Аёллар қўйлагининг юқори қисми – 2, 13, 1.

IV. Қуюқ овқатлар солинадиган катта ясси идиш – 3, 1, 10, 1, 5.

V. Она юрт – 9, 1, 12, 1, 5.

**Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ**  
тузди.



**Табриклаймиз!**

Республика ИИБ Марказий госпитали бошляғи, полковник **Ҳошим УСМОНОВ**ни таваллуд тошган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимиз, устозимизга узоқ умр, мустақкам саломатлик, инсон соғлиғини сақлашдек шарафли хизматида улкан ютуқлар тилаймиз.

**ИИБ Марказий госпитали жамоаси**

Республика ИИБ ЖИЭББ тергов ҳибсхонаси бошляғи, подполковник **Маҳмуд НАРЗУЛЛАЕВ**ни таваллуд тошган куни билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, шарафли ва машаққатли хизматида катта ютуқлар тилаймиз. Мартабаси баланд, насибаси бутун бўлиб яна кўп йиллар сафимизда юраверсин.

**Тергов ҳибсхонаси шахсий таркиби.**

ХАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

# САДОҚАТ

Хосият буви лаҳча чўлдай қизариб ботаётган қуёшга тикилиб, сўнгра маҳзун сўлиш билан уф тортди. Ҳар гал ботаётган қуёшни кузатар экан, бувининг юрагидан чуқур ўрин олган армон яна бош кўтаради. Гарчи жуда кўп йиллар ўтиб кетган бўлса-да, миждаларига ёш инди. Баъзан лардини айтиб-айтиб хиргойи ҳам қилади. Бу ҳолатни билмаган маҳалла ёш яланлари бувини бироз ғалатиноқ деб ҳам ўйлашади. Ёши улуглар эса уни жуда ҳурмат қилишади, унинг юмушларини бажону дил бажаришади. Тўйлар қилинса, албатта Хосият бувини тўрга ўтқазиб қўйишади. Бирор иш бошланса дуо қилинг деб унинг оstonасига келишади. Буви шу боис ёлғизлигини бироз унутлади. Аммо узун тушлар бедор бўлиб, бўзлаб қолар, уруш йилларидан олдин турмуш ўрғони Раҳмат ака билан якка-ю ёлғиз жигарбанди Солиқни ўрталарига олиб тушган суратни кўзларига суриб кўз ёшларидан ҳам аяб-авайлаб узоқ-узоқ тикилади. Гуё шундан таскин топади. Ёшида беозор ухлаб ётган Зулайхонинг сочларини силаб, қўшниси Каримни (Зулайхонинг отаси) дуо қилар, шу қизга бугун, тўкис бахт тилаб тонг оттиради. Бувининг турган бипани меҳр, муносилик эди. Аммо ўша маъшум урушни чин дилдан лаянглайди. Унинг ҳаётини бўм-бўш қилиб кетган урушини астойдил қариб қўяди.

Ушанда у эндигина 17 ёшга кирган, қишлоқнинг сулув қизи эди. Оstonадан совчилар қалами узилмай қолди. Отаси раҳматли келган совчилардан бирита розилик бериб юборди. Ҳатто онаси бўлажак қув ким, нима иш қилар экан деб эридан сўрашга ботина олмади. У найтлар ҳаё, ибодатли ҳислар жуда кучли бўлганлиги боис қиз жимгина бошини эгли, кўзида ёш ҳалқаланди. Онаси унинг бошини бағрига олиб сочини силади. Отанг сенга ёмонликни

раво кўрмас-ку, қизалогим, йиғлама, деди холос. Тез орада тўйга ҳозирлик бошланади. Келин Раҳматни биринчи бор чимилликда кўрди. Баланд бўйли келишан йигитни кўриб, юраги жиз этди. Ўша муҳаббат бувининг юрагига ҳамон яшаб келади. Тоборо улғайиб, сайқалланди.

Турмушлари жуда ширин эди. Раҳмат Хосиятни еру кўкка ишонмас, аммо буни бировларнинг олдида намоиш ҳам қилмасди. Унинг мардлиги, ориятлилиги Хосиятнинг муҳаббатини янаям оширарди.

Лийнқса, улар фарзандли бўлишгандаги бахтиёрликларини эслар экан, бувининг юзлари яшнаб кетади. Жигарбандини илк бор қўлга олгани, узун кечалар бешик тебратиб ала айтанлари, унинг илк қадамлари-ю, илк бор «она», «ота» деган сўзлари... Улар жуда бахтли эди...

Аммо маъшум хабар нафақат унинг, балки халқнинг бахтига соя солди. Раҳмат биринчилардан бўлиб юрт ҳимоясига отланди. Урушга жўнардан экан, Раҳмат биринчи бор кўнчиликнинг олдида Солиқжонни кўтариб, кўз ёшини рўмолининг учи билан артиб турган Хосиятни кўчди. Солиқжонни кўтариб, эркалади. Сўнгра она-боланинг пешонасидан ўшиб хайрлашди. «Мен албатта қайтаман сизлар учун дея» жойидан кўзгалаётган поезд сари югуриб кетди. Эшелон кўздан ғойиб бўлгунча саноқсиз кўзлар силкиниб борарди. Дийдор қиёматга қолишини билмаган Хосият жуфти-ҳалолдан келган ҳар бир мактубни олар экан, ҳаяжондан қўллари титрар, қоғозни авайлаб, асраб қайта-қайта ўқишдан чарчамасди. Солиқжон ҳали гўдак бўлса-да, унга отасидан келган мактубни ўқиб берарди. Бола ҳеч нарса англамай турарди. Колхозда ишлаш баробарида қасал ётган қайнонаси ва гўдагини оқ ювиб, оқ тарар, бундан

ҳеч ҳам огринмасди. Унга Раҳматдан келаётган хатлар куч бағишларди. Аммо шундай кунларнинг бирида аини саратон авжиде уроқчилар бир оз тин олиш учун туғнинг соясида ўтиришганда почтачи чол кўрилади. Аёллар ғамгин қиёфада бир-бир одимлаб келаётган почтачини аввалгидай ўраб олмай тек қолишти. Негадир ҳамма ёмон хабарни олдиндан сезгандай жим эди. Почтачи раисга учбурчак қоғозни-тутқазди. Сўнгра тўғри келиб Хосиятнинг қаршисига тўхтади. «Урушнинг номи ўчсин, бардошли бўл, қизим, сабр берсин сенга», деди. Ҳамма бирдан Хосиятга қаради. У даставвал топдек қотди. Сўнгра «нима» деди-ю, гуё ақдан озгандай бирикки қадам ташлади. Бироз ўтиб унинг юракни эзувчи фарёди гуё еру кўкни ларзага солди.

Кўп ўтмай қайнонаси ҳам қазо қилди. Онаси унинг ўғли билан катта уйда ёлғиз қолиши туғри эмаслигини айтиб, уйига олиб кетмоқчи бўлди. Аммо Хосият унамай, эрининг, қайнона, қайнонасининг чироғини ёқиб ўтирди. Солиқ унинг ёлғиз овунчоғи, суянчи бўлиб қолганди. Худо сўйган бандасига синовлар юборади деганлари шумикан, Солиқ эндигина 9 ёшга кирганда дардга йўлиқиб, у ҳам нобуд бўлди. Яна Хосиятнинг фиғони кўкни тугди. Энди буткул ёлғиз қолган жувонни сўраб келадиган совчилар ҳам чиқа бошладди. Аммо Хосият эрини, боласини йўқлаб йиғлар, бошқа турмуш қурмаслигини айтиб, рад этарди. Албатта, унинг нечоғли пок аёл эканлигини билганлар уни ҳурмат қилишар, имкон қадар ёрдам қилини чўзишарди. Лекин ҳар бир боши очик аёл каби фиску фасод, ғийбатлар бўрони уни ҳам четлаб ўтмади.

Солиқжон билан тендош бўлган Карим ҳам мана олтинидан ошган.

Зулайхо унинг кенжатоий. Шу қиз эсини таниганидан буён унинг ёшида хизматини қилади. Карим бувини ўз онасидай кўриб, ҳар эрталаб келиб ҳолидан хабар олади. Хосият бувининг дуосини олиб кетади. Унга кўп йиллардан буён одат бўлиб қолганди. Ҳатто Карим иккинчи ўлигининг отини Солиқжон қўйган. Бу билан гуё бувининг кемтик кўнглини бироз ёруғ қилмоқчи эди.

Уйқудан уйғонган Зулайхо бувининг ҳамон ухлаб ётганидан ҳайрон бўлди. Зулайхо секин юриб бувининг ёнига келди. У сокин ухлаб ётар, юзида майин, нимтабассум қотиб қолган, нафас олмасди. Қиз кўрқиб кетди. «Бувижон, бувижоним» дея отаси томон югуриб кетди...

Бувини сўнги манзилга кузатишар экан, ёстигининг тагида турган, саргайиб кетган суратни кўриб ҳамманинг кўзига ёш келди. Суратда ёшгина, қирчиллама йигит, тим қора сочларини икки ўрим қилиб олдига ташлаб қўйган келинчак ва чамаси бир ёшлардаги гўдак кулиб туришарди. Фақатгина инсонга насиб этилган, муҳаббат деб аталмиш олий туйғу, унга бўлган чексиз садоқат тимсоли бўлган Хосият буви тўқсон ёшга яқинлашиб, оламдан ўтди. Ўзидан маҳалладошлар хотирасида меҳр ва муносиликка йўғрилган из қолдириб кетди.

Ҳаётга енгил-елпи қараб, ажрашиб кетаётган ёш оналар, тирик етим бўлиб қолган гўдакларни кўрганимда ёхуд кечагина ёндим-кўйдим деб жар солиб, ота-она қаршчилигига қарамай йиғлаб-сиқтаб «севган» йигитига турмушга чиққан қизларнинг кўп ўтмай ҳаётдан нолиб, қув томонни ёмонотлик қилиб ажрашиб, ота уйига қайтаётганини кўриб ҳайрон бўласан киши. Муҳаббатни кўча-кўйда қўлтиқлашиб юриш, кинотеатрларга кириб, хиёбонларда бир-бирининг пинжиге суқилиб ўтиришдан иборат деб билувчиларни кузатар эканман, ҳар гал Хосият буви ва унга ўхшаган аёллар кўз ўнгимга келаверади.

Умида БОЛЛИЕВА.

## ҚИЗАЛОҚНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 34-Меҳрибонлик уйида 2001 йилда туғилган **Елизавета Игоревна Тебнева** тарбияланмоқда. У яқинлари ва яшаш манзили ҳақида маълумотга эга эмас.

**Белгилари:** бўйи 115 см, кўзлари оч кўк, сочи сариқ.

Қизчанинг ота-онаси, яқинлари ёки уни таниган, бирор маълумотга эга фуқаролардан Ангрен шаҳар ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига мурожаат қилишларини сўраймиз.



## ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2009 йилнинг 20 февраль куни соат тахминан 22.30 ларда Юнусобод туманида жойлашган «Уч қаҳрамон автосервис» қаршисида «Нексия» автомашинаси ҳайдовчиси томонидан Осиё миллатига мансуб, ёши 40-45 ларда бўлган номаълум эркак киши уриб юборилган. Пиёда воқеа жойида вафот этган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, сочи, мўйлови, кўзлари, қошлари қора.

**Кийимлари:** қора жемпер, кўк, оқ чизикли спорт шимида бўлган.

Шахси аниқланаётган номаълум эркак ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси ИТХлар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлимига ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

2008 йилнинг 26 февраль куни Тошкент вилояти Зангиота тумани «Меливой» фермер хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи Қорасув каналидан ёши 40-45 ларда бўлган, Европа миллатига мансуб, номаълум эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, соч-соқоли йўқ. **Алоҳида белгилари:** жағининг тепа қисмида иккита, пастки қисмида тўртта тиши йўқ.

2008 йилнинг 17 июнь куни Зангиота тумани «Эркин» ҚФЙ «Тошкент-Термиз» халқа йўлининг 821-км даги дарахтзор ичидан ёши 50-60 ларда бўлган, Осиё миллатига мансуб, номаълум эркак кишининг мурдаси топилган.

**Белгилари:** бўйи 160 см, сочи қора, оқ оралаган, соқол-мўйловли.

**Кийимлари:** оқ кўйлак, қора шим, кўк резина шиппақда бўлган.

2008 йилнинг 28 февраль куни Зангиота туманидан оқиб ўтувчи Бўзсув каналидан ёши 45-50 ларда бўлган, Европа миллатига мансуб, номаълум эркак кишининг мурдаси топилган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, сочи сариқ. **Кийимлари:** кўк жинси шимда бўлган.

2008 йилнинг 16 март куни Зангиота туманидан оқиб ўтувчи Бўзсув каналидан ёши 45-50 ларда бўлган, Европа миллатига мансуб, номаълум эркак кишининг мурдаси топилган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, соч-соқоли йўқ. **Кийимлари:** қора жинси шимда бўлган.

**Алоҳида белгилари:** чап елкасида бургут расми татуировка ва «РОЛСКА» ёзуви бор.

2007 йилнинг 31 декабрь куни Зангиота тумани З. Зокирова маҳалласи, Хонобод кўчасидан ёши 40-45 ларда бўлган, Европа миллатига мансуб, номаълум эркак кишининг жасади топилган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, сочи қора, соч-соқоли ўсиб кетган.

**Кийимлари:** кулранг костюм-шим, кулранг кўйлак, қора туфлида бўлган.

2008 йилнинг 30 август куни Зангиота тумани Олмазор маҳалласидаги Т. Эргашов номи фермер хўжалиги узумзори ичидан ёши 65-75ларда бўлган, Европа миллатига мансуб, номаълум аёлнинг мурдаси топилган.

**Белгилари:** бўйи 160 см, сочи жигарранг, қиррабурун. **Кийимлари:** жигарранг халат, оқ-қора эркаклар кўйлаги, оқ кроссовкада бўлган.

2008 йилнинг 19 июль куни Зангиота тумани Бобур маҳалласидан оқиб ўтувчи Юқори Тошкент каналидан ёши 25-30 ларда бўлган, Европа миллатига мансуб, номаълум эркак кишининг мурдаси топилган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, сочи сарғиш, калта.

2008 йилнинг 8 декабрь куни Зангиота тумани Бобур маҳалласи Тўқимачи кўчасидан ёши 40-45 ларда бўлган, Осиё миллатига мансуб, номаълум эркак кишининг мурдаси топилган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, сочи қизғиш, соч-соқоли ўсган. **Кийимлари:** кўк жинси куртка, тўқ кўк жемпер, жигарранг шимда бўлган.

Юқоридаги шахси номаълум кимсаларни таниган, улар ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

<p>Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ботир Сулаймоновга волидан муҳтарамаси</p> <p><b>ЧУЧУК аялиниг</b> вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма бўлим бошлиғи, майор Б. Шокировга онаси</p> <p><b>ЁҚУТХОН аялиниг</b> вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>
<p>Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби Косонсой тумани ИИБ ЖК ва УЖКҚБ катта тезкор вакили, капитан Алингер Убайдуллаевга онаси</p> <p><b>УМРИНИСО аялиниг</b> вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши кадрлар бўлими инспектори, лейтенант А. Агзамовга падари бузрукворя</p> <p><b>ҲАБИБУЛЛО отаниниг</b> вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>
<p>Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма хўжалик бўлими миллионеря, катта сержант Абдурахмон Нурматовга онаси</p> <p><b>ОЙСАИЯМ момониниг</b> вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	



## ШОИРЛАР ТИЛИДА МУҲАББАТ МАДҲИ

«ДУНЁНИ БАҲОРГА  
БЕРАЙЛИК, ГУЛИМ...»

Азиз опа-сингиллар! Ушбу саҳифада беш нафар замондош халқ шоирларининг сара шеърларини Сизга байрам тухфаси сифатида ҳавола этаёпмиз.

Абдулла ОРИПОВ

## БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,  
Зухро юлдуз милтираб, хира ханда отганда,  
Рухимда бир маъюслик сокинлик уйғотганда,  
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,  
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.

Утди ёшлик завқ билан, гоҳи тўполон билан,  
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан,  
Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан, имон билан...  
Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим,  
Мангу гафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,  
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан,  
Лекин инсон ҳаммиша бир ҳисга асир экан...  
Нечун билмовдим аввал, биринчи муҳаббатим,  
Парво қилмовдим аввал, биринчи муҳаббатим.

Ҳолбуки орзулардан жудо ҳам бўлганим йўқ,  
Юлдуздай кулганим йўқ, ой каби тўлганим йўқ,  
Эрта хазон гул каби сарғайиб сўлганим йўқ,  
Сени эслаб йиғлайман, биринчи муҳаббатим,  
Эслаб бағрим тиглайман, биринчи муҳаббатим.

Йўлин йўқотса одам – муҳаббатга суянгай,  
Гуссага ботса одам – муҳаббатга суянгай,  
Чорасиз қотса одам – муҳаббатга суянгай,  
Мен кимга суянгайман, биринчи муҳаббатим,  
Фақат эслаб ёнгайман, биринчи муҳаббатим.

Нидо бергил, қайдасан, шарпангга қулоқ тутдим,  
Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унутдим.  
Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим,  
Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим,  
Елғиз оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим.



Муҳаммад ЮСУФ

ЎЗБЕКНИНГ  
АЁЛЛАРИ

Ухламайди тунлари,  
Ой нуллари таралган.  
Ўзбекнинг хотинлари  
Фарзанд учун яралган.

Йилдан узун кунлари,  
Ким кўнглини сўролган.  
Ўзбекнинг хотинлари  
Меҳнат учун яралган.

Қирқ йил қирғин бўлса ҳам,  
Ўз аҳдида туролган.  
Ўзбекнинг хотинлари  
Тоқат учун яралган.

Ёт олдидан сал нари  
Қачон кокил ўролган.  
Ўзбекнинг хотинлари,  
Ифбат учун яралган...

Ўзбекнинг аёллари,  
Ўзбекнинг хотинлари,  
Сувдан ҳалол,  
Гулдан пок,  
Қўллари олтинлари,  
Қай томонга бурса юз,  
Йўллари олтинлари –  
Иzzат учун яралган!

Эркин ВОҲИДОВ

## ЛОЛА САЙЛИ

(бадиҳа)

Таклиф этдим тонг билан  
Дилдорни лола сайлига,  
Бошим осмонларга етди  
Ёр деганда «майлига».

Кенг жаҳон бўлди мунаввар  
Лутфидан, эвоҳ, қани,  
Сидқи дилдан юрса дилбар  
Доим ошиқ майлига.

Уйладим шу тонг, неча йил  
Дашту саҳролар кезиб,  
Таклифи сайл айламабдир  
Не учун Қайс Лайлига!  
Бу хаёлим ёрга айтсам,  
Кулди-ю, берди жавоб:  
Аҳли ишқ ҳам боққай албат  
Ўз замонин зайлига.

Лола тердик даста-даста,  
Кеч билан қайтдик шаҳар,  
Йўлда бир-бир тарқатиб  
Эркин муҳаббат хайлига.

Сирожиддин САЙИД

## КЕЛМИШ

Баҳор бу йил ажиб пинҳона келмиш.  
Кўнгиллар розига ин, хона келмиш.

Келиб ёр зулфини райҳон этиблар.  
Кейин – гул, сунбулу райҳона келмиш.

Чечаклар бирла етмиш давру даврон,  
Сарою боғу дашт жавлона келмиш.

Назокат ичрадир олам, мисоли  
Малика оқ кийиб султона келмиш.

Ҳилол чиқмиш бу кеч кўк сийнасида,  
Кўрингким, ул нечук шарқона келмиш.

Кетар дил бул кеча минг дилрабодан,  
Келинлар гўра еб тугёна келмиш.

Сенинг, эй лоларуҳ, пинҳон хаёлинг,  
Кўз ичра айланиб, мижгона келмиш.

Адирлар лола жомидан тутар май,  
Табиат хуш булиб, риндона келмиш.

Ёронлар, бу – баҳор эрмас, билингким,  
Тириклик номидан шукрона келмиш.

Маҳмуд ТОИР

## ГУЛИМ

Мен тонглардан туйғу тиландим,  
Куртаклардан кулгу тиландим,  
Тиз чўксам ялпизга эландим,  
Баҳорнинг боғига борайлик, гулим,  
Мажнунтол сочини тарайлик, гулим.

Қарагин, қалдирғоч эл суйган косиб,  
Кўшқини айвонга қўйибди осиб,  
Ҳар жуфтга бир янги қўшиқ муносиб,  
Баҳорнинг боғида куйлайлик, гулим,  
Юракни ишқ билан ийлайлик, гулим.

Севмаган билмайди султонлик сирин,  
Бу бир гадолкким, болдайин ширин,  
Яшаб бўлармикин ўздан яширин,  
Баҳорнинг умрини тилайлик, гулим,  
Биз ҳам кўнглимизда гуллайлик, гулим.

Ой ҳам ойлигини тунда эслатур,  
Кўёш кулиб чиқиб кунда эслатур,  
Дунё гўзаллигин гулда эслатур,  
Дунёни баҳорга берайлик, гулим,  
Гул терсақ кўзлардан терайлик, гулим.

ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
IV BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI

MUASSIS:  
O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR  
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari Aleksandr VORGUDYAYEV

Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV

Navbatchi – Umida BOLLIYEVA

Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV

Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.

E-mail: postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»-dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahiil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
innovatsion tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.  
INN 200637499.«O'zbekiston»  
nashriyot-matbaa ijodiy  
uyi bosmaxonasida  
chop etildi. Korxona  
manzili: Alisher Navoiy  
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7021. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 56931 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.